

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
PARVOZLAR XAVFSIZLIGINI
NAZORAT QILISH
DAVLAT INSPEKSIYASI

ГОСУДАРСТВЕННАЯ ИНСПЕКЦИЯ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
ПО НАДЗОРУ
ЗА БЕЗОПАСНОСТЬЮ ПОЛЕТОВ

DAVAVIANAZORAT

ГОСАВИНАДЗОР

BUYRUQ
ПРИКАЗ

2015 y. « 08 » 04

N 40

Toshkent shahri

**Davavianazoratida jismoniy va
yuridik shaxslarning murojaatlari
bilan ishlash tartibi to'g'risida
Nizomni tasdiqlash to'g'risida**

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2015 yil 31 mart 73-son qarorini bajara borib

buyuraman:

- 1.Davavianazoratida jismoniy va yuridik shaxslarning murojaatlari bilan ishlash tartibi to'g'risida Nizom tasdiqlansin.
- 2.Davavianazorat boshlig'ining 2009 yil 5 dekabrda 133-son buyrug'i o'z kuchini yo'qotgan deb hisoblansin.
- 3.Buyruqning bajarilishini nazorat qilinish Davavianazorat boshlig'i o'rinbosari zimmasiga yuklansin.

Davavianazorat boshlig'i



T.E.Uljayev

**Ўзбекистон Республикаси парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясида
жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида» ги Қонуни (кейинги ўринларда Қонун деб юритилади) ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 31 мартдаги 73-сонли қарори билан тасдиқланган «Давлат органлари ва давлат муассасаларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида Намунавий низом» га (кейинги ўринларда Намунавий низом деб юритилади) мувофиқ парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари (кейинги ўринларда мурожаат деб юритилади) билан ишлаш тартибини белгилайди.

2. Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ва ҳорижий давлатларнинг жисмоний ва юридик шахслари, фуқаролиги бўлмаган шахслар давлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

3. Ушбу Низомнинг амал қилиши:

кўриб чиқиш тартиби маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, фуқаролик процессуал, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия, хўжалик процессуал қонун ҳужжатлари ва бошқа қонунлар билан белгиланган ҳужжатларга;

4. Ушбу Низомда куйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ариза - ҳуқуқларни, эркинликларни ва қонуний манфаатларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимос баён этилган мурожаат;

таклиф - давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларини ўз ичига олган мурожаат;

шикоят - бузилган ҳуқуқларни, эркинликларни тиклаш ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб баён этилган мурожаат;

аноним мурожаат - жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар ёки юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган жойи (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёхуд улар, ҳақида ёлғон маълумотлар кўрсатилган, шунингдек имзо (электрон рақамли имзо) билан тасдиқланмаган мурожаат;

мурожаатнинг дубликати - айнан бир жисмоний ёки юридик шахснинг мурожаати нусҳаси;

такрорий мурожаат - аввалги мурожаатлар бўйича қабул қилинган қарор юзасидан

шикоят қилинган ёки бошқача тарзда норозилик билдирилган, шунингдек, агар такрорий мурожаат келиб тушган пайтда кўриб чиқишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган муддати тугаган бўлса, аввалги мурожаат ўз вақтида кўриб чиқилмаганлиги ҳақида хабар қилинган, айнан бир жисмоний ёки юридик шахсдан келиб тушган мурожаат;

электрон мурожаат - электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имконини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган электрон ҳужжат шаклидаги мурожаат.

5. Мурожаатлар оғзаки ёки ёзма ёхуд электрон шаклда, давлат тилида ёки бошқа тилларда берилиши мумкин.

Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясининг расмий веб-сайти орқали ёки парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси расмий электрон почта манзилига келиб тушган мурожаатлар электрон мурожаатлар тарзида қайд этилади ва ушбу Низомда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (Хукумат портали) орқали келиб тушган мурожаатлар электрон мурожаатлар тарзида қайд этилади ва Вазирлар Маҳкамасининг 2012-йил 30-декабрдаги 378-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали тўғрисидаги Низом талаблари ҳисобга олинган ҳолда ушбу Низомда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ушбу Низомнинг 1-иловасидаги схемага биноан амалга оширилади.

6. Мурожаатлар ариза, таклиф ва шикоят тарзида бўлиши, жисмоний ва юридик шахслар яққа тартибда ёки жамоа бўлиб мурожаат этишлари мумкин.

7. Жисмоний шахснинг мурожаатида унинг фамилияси (исми, отасининг исми), яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар ва мурожаатнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак.

Юридик шахснинг мурожаатида юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган жойи (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар ва мурожаатнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак.

Ёзма мурожаат мурожаат қилувчи жисмоний шахснинг имзоси мурожаат қилувчи юридик шахс раҳбарининг ёхуд ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим. Жисмоний шахснинг ёзма мурожаатини мурожаат қилувчининг имзоси билан тасдиқлаш имкони бўлмаган тақдирда, бу мурожаат уни ёзиб берган шахснинг имзоси билан тасдиқланиб, унинг фамилияси (исми, отасининг исми) ҳам қўшимча равишда ёзиб қўйилиши керак.

Электрон мурожаат электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имкониятини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган электрон

ҳужжат шаклида бўлиши лозим. Электрон мурожаат Қонунда белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши керак.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатларга уларнинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

8. Мурожаатларни бериш муддатлари, қоидага кўра, белгиланмайди. Айрим ҳолларда, агар бу парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси мурожаатни кўриб чиқиш бўйича имкониятларига, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ўз вақтида амалга ошириш ва ҳимоя қилишни таъминлаш заруратига боғлиқ бўлса, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларга кўра, мурожаатни бериш муддати белгиланиши мумкин.

Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясида ариза ёки шикоят жисмоний ёки юридик шахсга унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини бузувчи ҳаракат (ҳаракатсизлик) содир этилганлиги ёхуд қарор қабул қилинганлиги маълум бўлган пайтдан эътиборан узоғи билан бир йилдан кечиктирмай берилади.

Ариза ёки шикоят беришнинг узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган муддати аризани ёки шикоятни кўриб чиқувчи парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан тикланади.

9. Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясида мурожаатлар билан ишлашда электрон ҳужжат айланиши тизими жорий қилиниши мумкин.

II. Мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби

10. Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясида мурожаатларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва кўриб чиқиш учун юбориш, шунингдек кўриб чиқилишини назорат қилиш мурожаатлар билан ишлаш учун масъул ходими томонидан амалга оширилади.

11. Электрон мурожаатлар тушган кунда қозғалма босиб чиқарилиши, иш вақти тамом бўлгандан кейин тушган тақдирда эса - навбатдаги иш кунда қозғалма босиб чиқарилиши керак.

12. Ёзма ва электрон (қозғалма босиб чиқарилган) мурожаатлар мурожаатларни рўйхатга олиш журнаliga тегишли ёзувларни киритиш, ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шакл бўйича ҳисобга олиш карточкасини тўлдириш ва мурожаатнинг биринчи саҳифаси қуйи ўнг қисмида рўйхатга олиш штампини қўйиш йўли билан мурожаатлар рўйхатга олинади.

Мурожаатларни рўйхатга олиш журналида мурожаатнинг тартиб рақами, мурожаат қилган жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, унинг яшаш жойи, юридик шахснинг номи, унинг манзили, мурожаатнинг қисқача мазмуни, мурожаат қабул қилинган сана, дубликат ёки мурожаатларнинг такрорийлиги, назоратга олинганлиги тўғрисидаги белги, ижрочи

этиб белгиланган таркибий бўлинма номи, сана кўрсатилган ҳолда ижро этиш тўғрисидаги белги кўрсатилади.

Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясига телефон орқали, жумладан «Ишонч телефони»га қилинган мурожаатлар мазкур Низомнинг 3-иловасида белгиланган шаклда қайд этилади, оғзаки мурожаат сифатида рўйхатга олинади ва кўриб чиқилади.

Мурожаатларнинг тартиб рақами ҳар йили бошидан янгидан ҳисобланади.

Мурожаатларнинг ҳисоби ва назоратини юритиш белгиланган тартибда дастурий масъул орқали амалга оширилади.

13. Мурожаат почта орқали конвертда келиб тушганда конвертда мурожаат ва унинг иловалари борлиги текширилади.

Конвертда мурожаатнинг мавжуд эмаслиги ёки унинг яроқсизланганлиги, шунингдек мурожаатда кўрсатилган иловаларнинг йўқлиги аниқланганда икки нусхада далолатнома тузилади, улардан бири мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлинмада қолади, иккинчиси мурожаат қилувчига конвертда кўрсатилган манзил бўйича жўнатилади.

Келиб тушган мурожаатлар конвертлари мурожаат этувчининг манзилини, мурожаатнинг жўнатилган ва олинган вақтини аниқлаш учун сақлаб қолиниши мумкин.

14. Оғзаки мурожаатлар билан келган жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясида раҳбарлари ёки мурожаатлар билан ишлаш бўйича масъул ходимлари томонидан қабул қилинади.

Мурожаат қилувчининг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатлар текширилгандан кейин ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда ҳисобга олиш карточкаси тўлдирилади ва оғзаки мурожаат сифатида рўйхатга олинади.

15. Жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари оғзаки мурожаат этишганда улар томонидан тақдим этилган ёзма мурожаатлар ҳамда бошқа материаллар қабул қилиниши ва ушбу Низомнинг 15-бандига мувофиқ тўлдирилган ҳисобга олиш карточкасига илова қилиниши керак.

16. Рўйхатга олинган мурожаатлар келиб тушган пайтидан бошлаб бир иш кунидан кечикмай парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясининг раҳбарларига киритилади, у масъул бўлинмани белгилаган ҳолда мурожаатни кўриб чиқиш бўйича резолюцияни (топширикномани) қўяди.

17. Резолюция (топширикнома) қўйилган пайтдан бошлаб бир иш куни мобайнида мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлинма мурожаатни ижро этувчи сифатида белгиланган таркибий бўлинмага имзо қўйдирган ҳолда беради.

18. Келиб тушган мурожаатлар иш юритувига қабул қилиниши, Қонуннинг 18-моддаси 2-қисми талабларини инобатга олинган ҳолда бўйсунуш тартибида юборилиши ёки тегишлилиги бўйича бошқа давлат органига юборилиши мумкин.

19. Қўйилган масалаларни ҳал этиш парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясининг ваколати доирасига кирмайдиган мурожаатлар беш кун муддатдан кечиктирмай парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси раҳбари томонидан имзоланган хат билан тегишли органларга юборилади, бу ҳақда мурожаат қилувчига ёзма ёхуд электрон шаклда хабар қилинади.

Агар мурожаатларда уларни тегишли органларга юбориш учун зарур бўлган маълумотлар мавжуд бўлмаса, беш кун муддатдан кечиктирмай асослантирилган тушунтириш билан мурожаат қилувчиларга қайтарилади.

20. Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан кўриб чиқилиши керак бўлган мурожаатлар келиб тушган кундан бошлаб беш кун муддатдан кечиктирмай парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясининг раҳбари ёки унинг ўринбосарларидан бири томонидан имзоланган топшириқ билан бирга юборилиши, бу ҳақда мурожаат қилувчига ёзма ёхуд электрон шаклда хабар берилиши керак*

21. Мурожаатни тўлиқ, ҳолис ва ўз вақтида кўриб чиқиш учун қўшимча маълумотлар, маълумотномалар ва материалларга зарурият юзага келган тақдирда мурожаатни кўриб чиқувчи масъул ходим мурожаат қилган жисмоний ёки юридик шахсдан, шунингдек парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясининг ваколатлари доирасида - белгиланган тартибда бошқа давлат органларидан қўшимча ахборотни сўраб олиши мумкин.

22. Агар мурожаатда жойнинг ўзида ўрганишни талаб этувчи ҳолат баён қилинган бўлса, шунингдек бошқа зарур ҳолларда мурожаат жойнинг ўзида кўриб чиқилиши мумкин. Мурожаатни жойнинг ўзида кўриб чиқиш парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси раҳбарининг топшириғи ёки унинг розилиги билан амалга оширилади.

23. Мурожаатни мурожаат қилган ёки бошқа шахснинг иштирокисиз кўриб чиқишнинг имконияти бўлмаганда, улар парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясининг мансабдор шахси томонидан қақрилиши мумкин. Қақрилган мурожаат этувчи келмаган тақдирда муаллифга мурожаатни унинг иштирокисиз кўриб чиқиш мумкин эмаслиги тўғрисида жавоб юборилади.

24. Агар мурожаатда ўртага қўйилган масалалар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига даҳлдор бўлса, уларнинг вакиллари мурожаатни кўриб чиқишда иштирок этиш учун парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан ўз ваколатлари доирасида жалб этилади.

25. Зарур ҳолларда мурожаатларни кўриб чиқиш учун парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан тегишли мутахассислар жалб этилиши мумкин.

26. Мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари бўйича парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан тегишли қарор қабул қилинади, бу ҳақда дарҳол ёзма ёхуд электрон шаклда мурожаат қилувчига ҳабар берилади,

Мурожаатни қониқтирмасдан қолдириш тўғрисидаги қарорни парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясида - бошлиқ унинг ўринбосарлари қабул қилади.

Мурожаатга жавоб хатида мурожаатда кўрсатилган ҳар бир масала бўйича вазларни рад этувчи ёки тасдиқловчи аниқ асослар (заруриятга қараб қонун ҳужжатлари нормаларига ҳаволалар қилинган ҳолда) бўлиши керак.

27. Мурожаатга жавоб хати парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланади. Мурожаатларга жавоб хати мумкин қадар, мурожаат этилган тилда баён қилинади.

28. Жисмоний ёки юридик шахслар жамоа бўлиб мурожаат қилган тақдирда, уларнинг мурожаатлари Қонун талабларига мувофиқ кўриб чиқилади. Бунда мурожаатга жавоб мурожаат қилганларнинг рўйхатида биринчи бўлиб кўрсатилган шахсга ёки уларнинг талабига кўра, бошқа шахсга юборилади.

29. Мурожаат, унда кўтарилган барча масалалар Қонун талабларига мувофиқ кўриб чиқилган ва мурожаат қилувчига тегишли жавоб юборилган тақдирда кўриб чиқилган ҳисобланади.

Мурожаат қилувчига жавоб юборилган кун мурожаатни кўриб чиқиш тугалланган кун ҳисобланади, бу ҳақда мурожаатларни рўйхатга олиш журналига, ҳисобга олиш карточкасига, дастурий маҳсулга тегишли белги қўяди.

Оралиқ жавоблар берилган ва тўлиқ кўриб чиқилмаган мурожаатлар ижродан ёки назоратдан олинмайди.

30. Агар мурожаатни кўриб чиқиш жараёнида мурожаатнинг дубликати келиб тушса, ушбу мурожаат аввал тушган мурожаат билан бирга кўриб чиқилади ҳамда натижаси бўйича ягона жавоб берилади.

Агар мурожаатнинг дубликати мурожаат кўриб чиқилган ва жавоб юборилгандан кейин келиб тушса, мурожаат қилувчи бу ҳақда ёзма равишда ҳабардор қилинади.

31. Назоратга олинган мурожаат ушбу мурожаатни назоратга олган раҳбар ёки унинг ўринбосари томонидан назоратдан ва ижродан олинади.

32. Жисмоний ва юридик шахслар ўз мурожаатларини улар кўриб чиқилгунга қадар ва кўриб чиқилаётган вақтда мурожаат юзасидан қарор қабул қилингунга қадар ёзма ёхуд электрон

шаклда ариза бериш йули билан қайтариб олиш ҳуқуқига эга. Бундай ариза тушган тақдирда мурожаатни кўриб чиқиш тўхтатилади ва уч кун мобайнида мурожаат парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясининг хати билан мурожаат қилувчига қайтарилади.

Мурожаатни қайтариб олиш тўғрисидаги ариза парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан қонун бузилишларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар курилишини истисно этмайди.

33. Кўриб чиқилган мурожаатларни ва улар билан боғлиқ материалларни сақлаш белгиланган тартибда амалга оширилади.

III. Мурожаатларни кўриб чиқиш муддатлари

34. Ариза ёки шикоят парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясига келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун мобайнида, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади.

Ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, уларни кўриб чиқиш муддатлари парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи томонидан, истисно тариқасида, кўпи билан бир ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳақда мурожаат этувчига ҳабар қилинади.

35. Таклиф парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясига келиб тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади, қўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар бундан мустасно, бу ҳақда таклифларни киритган жисмоний ёки юридик шахсга ўн кун муддатда ёзма шаклда ҳабар қилинади.

36. Айрим ҳолларда парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи ёки унинг ўринбосари мурожаатларни кўриб чиқиш муддатларини қисқартириши мумкин.

37. Мурожаатлар билан ишлаш муддатлари улар парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясига келиб тушган кундан бошлаб ҳисобланади. Агар тегишли муддатнинг охири куни дам олиш ва байрам кунларига тўғри келса, навбатдаги иш куни муддат тугайдиган кун ҳисобланади.

IV. Мурожаатларни кўрмай қолдириш

38. Қуйидаги мурожаатлар кўриб чиқилмайди:

аноним мурожаатлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатлар, уларнинг

ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда;

Қонунда белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган мурожаатлар.

39. Мурожаат аноним деб эътироф этилганда бу ҳақда хулоса тузилади. Хулосада мурожаатни аноним деб эътироф этиш учун асослар кўрсатилади. Мурожаатни аноним деб эътироф этиш тўғрисидаги хулоса масъул ходим томонидан тайёрланиб, юридик хизмат билан келишилган ҳолда раҳбарият томонидан тасдиқланади.

Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясининг «ишонч телефонлари»га тушган мурожаатлар Қонунда ва ушбу Низомда назарда тутилган тартибда аноним деб эътироф этилиши мумкин.

Аноним деб эътироф этилган мурожаатлар хулоса тасдиқланган пайтдан бошлаб назоратдан ёки ижродан олинади.

39. Жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатлар келиб тушганда, уларнинг ваколатларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар мавжудлигини текширади.

Агар мурожаатда жисмоний ва юридик шахс вакилининг ваколатларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар мавжуд бўлмаса, бу ҳақда ижрочи ходим томонидан тасдиқланадиган хулоса тузилади.

Жисмоний ва юридик шахс вакилининг ваколатларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар мавжуд эмаслиги тўғрисидаги хулоса тасдиқланган пайтдан бошлаб ушбу мурожаат кўриб чиқилмайди, бу ҳақда мурожаат қилувчига ёзма равишда хабар қилинади.

V. Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилишни ташкил этиш

40. Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясида белгиланган кун ва соатларда жисмоний шахслар ҳамда юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиш ташкил этилади.

Жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиш парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи ёки бошқа ваколатли шахс томонидан амалга оширилади.

41. Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясида жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари ушбу тасдиқланган жадвалга асосан қабул қилинади.

Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси, зарурат бўлганда жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиш учун алоҳида хона ажратилади.

42. Қабул қилиш жадваллари ва қабулларни ўтказиш вақти, жойи ҳамда қабулга

олдиндан ёзилиш тартиби тўғрисидаги ахборот, шунингдек қабул қилиш тартиби парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясининг расмий веб- сайтида эълон қилиш, шунингдек уларнинг маъмурий биносида ҳамма кириши мумкин бўлган жойлардаги стендларга ёки бошқа техник воситаларга жойлаштириш орқали манфаатдор шахслар эътиборига етказилади.

Жисмоний шахс оғзаки мурожаат этаётганда ўз шахсини тасдиқловчи хужжатни, юридик шахнинг вакили эса ўз ваколатларини, шунингдек шахсини тасдиқловчи хужжатларни кўрсатиши керак.

43. Мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлинма парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси раҳбарларининг қабулхоналари билан биргаликда қабулга келган жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари қабулини, уларнинг мурожаатлари мазкур Низомнинг 4-илоvasида белгиланган шаклда қайд этилишини, оғзаки мурожаат сифатида рўйхатга олиниши ва кўриб чиқилишини, шунингдек қабул билан боғлиқ бошқа ишларни ташкил этади.

44. Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясида жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлинма ёки тегишли таркибий бўлинма ходимлари иштирокида амалга оширилади.

45. Жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилувчи раҳбар ёки ваколатли шахснинг кўрсатмаси бўйича парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясининг бошқа ходимлари ҳам қабул қилиш жараёнига жалб этилиши мумкин.

46. Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш пайтида мурожаатда баён қилинган масалаларни ҳал этиш парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясининг ваколатига кирмаслиги аниқланган тақдирда, мурожаатда баён қилинган масалаларни ҳал этиш учун қайси органга ёки ташкилотга мурожаат қилиш кераклиги тушунтирилади. Бунда, жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакилларининг талабига кўра, бу ҳақда ёзма шаклда жавоб берилади.

47. Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясининг бошлиғи ёки бошқа ваколатли шахслари томонидан сайёр шахсий қабуллар ташкил этилиши мумкин.

48. Сайёр шахсий қабуллар вақтида мурожаатлар билан ишлаш бўйича парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бўлинманинг раҳбари ва бошқа масъул ходимлари иштирок этиши мумкин.

49. Сайёр шахсий қабуллар парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланадиган жадвалга мувофиқ ўтказилади. Зарур ҳолларда, жадвалда назарда тутилмаган сайёр шахсий қабуллар ўтказилиши мумкин.

50. Сайёр шахсий қабулларни ўтказиш вақти, жойи ҳамда қабулга олдиндан ёзилиш тартиби тўғрисидаги ахборот ушбу Низомнинг 46-бандида белгиланган тартибда манфаатдор шахслар эътиборига етказилади, шунингдек маҳаллий оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

51. Жисмоний шахслар ва юридик шахслар вакилларининг сайёр шахсий қабуллари вақтида берилган оғзаки мурожаатлари ушбу Низомнинг 15-бандига мувофиқ тегишлилиги бўйича расмийлаштирилади ва рўйхатга олинади ҳамда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

VI. Мурожаатларни кўриб чиқишда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясининг мажбуриятлари

52. Мурожаат парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан кўриб чиқиладиганда жисмоний ва юридик шахс мурожаат кўриб чиқилишининг бориши ҳақида ахборот олиш, шахсан важларини баён этиш ва тушунтиришлар бериш, мурожаатни текшириш материаллари ҳамда уни кўриб чиқиш натижалари билан танишиш, қўшимча материаллар тақдим этиш ёки уларни бошқа органлардан сўраб олиш тўғрисида илтимос қилиш, адвокат ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Жисмоний ва юридик шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ мурожаатларни кўриб чиқишда бошқа ҳуқуқлардан ҳам фойдаланадилар.

53. Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясининг мурожаатини кўриб чиқувчи мансабдор шахслари ёки бошқа ваколатли шахслари:

жисмоний ва юридик шахсга уларнинг ҳуқуқларига, эркинликларига ҳамда қонуний манфаатларига дахлдор ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан (агар уларда давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирларни ташкил этувчи маълумотлар мавжуд бўлмаса, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларига, эркинликларига ҳамда қонуний манфаатларига, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказмаса) танишиб чиқиш имкониятини таъминлаши;

мурожаатни кўриб чиқиш натижалари юзасидан қабул қилинган қарорнинг ижросини назорат қилиши, шунингдек агар жисмоний ёки юридик шахсга унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари бузилиши натижасида моддий зарар ёки маънавий зиён етказилган бўлса, қонунда белгиланган тартибда моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ёки маънавий зиённи компенсация қилиш бўйича чора-тадбирлар кўриши;

мурожаат этувчига кўриб чиқиш натижалари ҳамда қабул қилинган қарор ҳақида мурожаат кўриб чиқилгандан сўнг зудлик билан ёзма ёки электрон шаклда ҳабар қилиши шарт.

Мурожаат юзасидан қарор қабул қилган парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясининг мансабдор ёки бошқа ваколатли шахси агар жисмоний ёки юридик шахс қарорга рози бўлмаса, унинг юзасидан шикоят бериш тартибини тушунтириши шарт.

VII. Мурожаатлар кўриб чиқилишини назорат қилиш.

Мурожаатларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш

54. Мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлинма таркибий бўлинмалар томонидан мурожаатлар кўриб чиқилишини доимий назорат қилади ва унинг мониторингини олиб боради, уларнинг ўз вақтида зарур тарзда кўриб чиқилишини таъминлаш чора-тадбирларини кўради.

Мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлинма мурожаатларни кўриб чиқиш муддатлари ва тартибининг таркибий бўлинмалар томонидан бузилиши ҳолатлари тўғрисида парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғини дарҳол хабардор қилади.

Мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлинма мониторинг натижалари бўйича ҳар ойда парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси раҳбариятига мурожаатлар кўриб чиқилишининг ҳолати тўғрисидаги ахборотни, зарурият бўлганда мавжуд камчиликларни бартараф этиш, мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилишига йул қўйган ходимларга нисбатан жавобгарлик чораларини кўриш юзасидан тегишли таклифлар билан биргаликда тақдим этади.

55. Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, шунингдек жамият ва давлатнинг манфаатлари бузилишини келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида ҳар чоракда мурожаатларни умумлаштириш ва таҳлил қилишни таъминлайди.

Таҳлил натижалари билан мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлинма ёки таркибий бўлинма парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғига парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясида мурожаатларни кўриб чиқишнинг қонунийлигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, шунингдек жамият ва давлатнинг манфаатлари бузилишини келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этиш, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади.

VIII. Мурожаатларни кўриб чиқиш муддатлари ва тартиби

бузилганлиги учун жавобгарлик

55. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқишни қонунга ҳилоф равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, ёзма ёхуд электрон шаклда жавоб юбормаслик, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари

тўғрисидаги қонун ҳужжатларига зид қарор қабул қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини, мурожаат муносабати билан қабул қилинган қарорнинг бажарилишини таъминланмаганлик, жисмоний шахсларнинг шахсий ҳаёти тўғрисидаги ёхуд юридик шахсларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларни уларнинг розилигисиз ошкор этиш, жисмоний ва юридик шахсни мурожаат қилганлиги муносабати билан ёхуд билдирилган фикри ва мурожаатидаги танқид учун таъкиб қилиш, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бошқача тарзда бузиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

56. Қонун, Намунавий низом ва ушбу Низом талабларига риоя этишни таъминлаш учун жавобгарлик парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи ва ўринбосарига, мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлинмалар ва тегишли таркибий бўлинмалар

**ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИНИ
ҚАЙД ЭТИШ КАРТОЧКАСИ**

Тартиб рақами:	Савол:
Мурожаат қилувчи:	
Манзили:	
Мурожаат келиб тушган сана:	Мурожаат қилувчилар сони:
Мурожаатнинг шакли:	Варақлар сони:
Қабул шакли:	Дубликат/такрорий:
Мурожаатнинг тури:	Олдинги мурожаатнинг санаси ва рақами:
Назорат тури:	
Мурожаатнинг қисқача мазмуни:	
Резолюцияни (топширикни) имзолаган раҳбар:	
Раҳбарнинг резолюцияси (топшириғи):	Бажариш муддати:
Таркибий бўлинма:	Ижрочи:

Мурожаатни кўриб чиқишнинг ҳолати		
Юборилган сана:	Қаерга юборилган:	Жавоб хатининг рақами ва санаси:
Муддати узайтирилган сана:	Ким (имзо) томонидан:	
Жавоб хати келган сана:		
Кўриб чиқиш натижаларининг қисқача мазмуни:		
Назоратдан олинди (ким томонидан):	Бажарувчининг имзоси:	
Сана:	Бажарилган сана:	
Мурожаатни кўриб чиқиш муддати бузилганлиги ҳақидаги белги:		